



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

**Абдуназарова Дилшода
Акромовна**

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
E-mail: abdinazarovadilshoda91@gmail.com
ORCID: 0009-0008-1088-4467

Тижорат банкларининг барқарорлиги ва молиявий тизимнинг ишончли фаолиятини таъминлашда пруденциал назорат марказий ўрин тутати. Пруденциал назорат бу - банк фаолиятидаги хавфларни олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этишга қаратилган норматив ва ташкилий чоралар мажмуасидир. Ушбу назорат орқали банкнинг капитал етарлилиги, ликвидлик ҳолати, кредит портфелининг сифати, фаолият шаффофлиги ва бошқарув тизими таҳлил қилинади ҳамда белгиланган талабларга мувофиқлиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида пруденциал назоратни амалга ошириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига берилган. Марказий банк томонидан банкларнинг фаолияти доимий мониторинг қилиниб, махсус ҳисобот шакллари орқали молиявий кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Ушбу назорат тури асосан "оф-сайт" (дистанцион) ва "он-сайт" (жойига чиқиб текшириш) шаклларида амалга оширилади.

Тижорат банкларига қўйиладиган асосий пруденциал талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

-капитал етарлилиги (CAR, T1): Банкларнинг ўз мажбуриятларини қоплашга етарли капитал захираси мавжуд бўлиши талаб этилади;

-ликвидлик (LCR, NSFR): Банк 30 кунлик стресс шароитида ўз мажбуриятларини бажара олиши лозим;

-кредит портфелининг сифати (NPL): Кечиктирилган қарзлар умумий кредитлар ҳажмига нисбатан 5%дан ошмаслиги керак;

-аффилланган шахслар билан операциялар чегараси: Банклар боғлиқ шахсларга нисбатан 10%лик чекловга амал қилиши шарт.

-ягона қарз олувчига нисбатан чек: Бир миқдорга ажратилган қарз 25%дан ошмаслиги лозим;

-кредитларнинг депозитларга нисбати (LDR): Банк активлари сақланишини таъминлаш мақсадида бу кўрсаткич 90%дан ошмаслиги керак.

Пруденциал назорат, айниқса, Базель қўмитасининг халқаро стандартларига мувофиқ равишда такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистонда 2020 йилдан бошлаб Basel II ва Basel III стандартларининг босқичма-босқич жорий қилиниши миллий банк тизими учун муҳим қадам ҳисобланади. Бу орқали

банклар ўз фаолиятидаги кредит, бозор ва операция хавфларни аниқроқ баҳолаш ва самарали бошқариш имкониятига эга бўлмоқда.

Шу билан бирга, банклар ўртасида ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тақдим этиш, ички назорат тизимларини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот тизимларини жорий қилиш каби талаблар пруденциал назоратнинг самарали амалга ошишини таъминловчи омиллардандир. Банк томонидан юқоридаги кўрсаткичлар бажарилмаса, Марказий банк томонидан санкциялар, молиявий чекловлар ёки реабилитация чоралари кўрилиши мумкин. Базель I стандарти капитал етарлилиги бўйича минимал 8% кўрсаткичини белгилаб, банкларда рискларга қарши захира шакллантиришни таъминлашга қаратилган эди. Кейинги босқич - Базель II - уч устунли модел (капитал, назорат, ахборот ошкорлиги) орқали хавфларни аниқ баҳолаш ва уларни самарали бошқаришни тарғиб этди. Базель III эса, 2008 йилги молиявий инқироз сабақларини инобатга олган ҳолда, ликвидлик талаблари, контрциклик буфер ва левераж коэффициенти каби янги ёндашувларни шакллантирди.

Халқаро ташкилотлар, жумладан **Халқаро валюта жамғармаси (IMF)** ва **Жаҳон банки** ўз ҳисоботларида пруденциал назоратнинг банк сектори барқарорлигига таъсири, унинг амалиётга қўлланиш самарадорлиги ва маҳаллий шарт-шароитларга мослаштирилиши лозимлигини таъкидлайдилар. Улар, шунингдек, ички назорат тизимларининг самарали фаолияти, ахборот ошкорлиги ва стресс-тестлар натижалари бўйича оммавий ҳисобот бериш тизимини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратиш лозимлигини билдирган.

Жаҳон амалиётида пруденциал назорат нафақат банк назоратининг ҳуқуқий асоси, балки молиявий барқарорлик, хавфларни камайтириш ва жамоатчилик ишончини таъминлашнинг стратегик воситаси сифатида қаралади. Ушбу ёндашувларнинг Ўзбекистон шароитига мослаштирилиши - миллий банк тизимида сифат ўзгаришларини таъминлашнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида пруденциал назоратнинг механизмлари халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган **Базель стандартлари** асосида шаклланиб бормоқда. Ушбу механизмлар тижорат банклари фаолиятида хавфларни камайтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, шаффофликни ошириш ва ички назоратни кучайтириш каби вазифаларни қамраб олади. Хусусан, мамлакат банк тизимида капитал етарлилиги, ликвидлик даражаси, активларнинг сифати, хавфни баҳолаш ва бошқариш, стресс-тестлар, аутсорсинг функциялари ва ахборот ошкорлиги каби элементлар асосий механизмлар сифатида белгиланган [9].

Ушбу пруденциал механизмларнинг амалда қўлланилиши белгиланган Марказий банк норматив ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Барча тижорат банклари белгиланган минимал капитал кўрсаткичлари (CET1, CAR), ликвидлик индикаторлари (LCR, NSFR) ва хавфларни йўқотишга қаратилган ички тизимлар бўйича Марказий банкка доимий равишда ҳисобот тақдим этади. Шунингдек, **стресс-тестлар** орқали банклар шок ҳолатларида ўзининг барқарорлигини баҳолаш имкониятига эга бўлади. 2020 йилдан кейинги ислохотлар доирасида **макропруденциал ёндашув** ҳам шакллантирилди, бу эса банк фаолиятини умумий иқтисодий жараёнлар билан уйғун ҳолда баҳолаш имконини беради.

Бироқ мазкур механизмларни жорий этиш ва самарали қўллаш жараёнида бир қатор муаммолар ҳам кузатилмоқда. Жумладан, айрим тижорат банкларида техник инфратузилманинг етарли эмаслиги, хавф таҳлили ва баҳолаш бўйича малакали кадрлар етишмаслиги, ахборот ошкорлигида узилишлар, ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базанинг етарли даражада мукамал эмаслиги каби масалалар амалиётда тўсқинлик қилмоқда. Шу билан бирга, чекка ҳудудлардаги банк филиалларида **Базель III** талаблари бўйича етарлича ахборот ва тушунчанинг мавжуд эмаслиги ушбу механизмларни тўлиқ жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, пруденциал назоратнинг айрим кўрсаткичлари (жумладан, ликвидлик бўйича NSFR индикатори ёки бозор хавфлари бўйича таҳлил) тўлиқ автоматлаштирилмаган ва классик усулларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Бу эса таҳлил самарадорлигини пасайтиради. Шундай қилиб, пруденциал назорат механизмларининг самарали ишлашини таъминлаш учун банкларда ахборот технологияларини жорий этиш, институционал салоҳиятни ошириш ва халқаро амалиётни мунтазам ўрганиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қатъий пруденциал назорат талаблари қўйилади. Бироқ, мазкур талабларнинг амалда тўлиқ бажарилиши билан боғлиқ қатор долзарб муаммолар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан, айрим тижорат банкларида капитал етарлилигини таъминлашда муаммолар мавжуд бўлиб, бу банкларнинг юқори хавфли активлар билан ишлашга мойиллиги ва капитални самарасиз бошқариши билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, ликвидликни бошқаришда замонавий механизмлардан фойдаланиш етарли даражада эмас. Айрим банклар ҳали ҳам Liquidity Coverage Ratio (LCR) ва Net Stable Funding Ratio (NSFR) каби халқаро стандартларга тўлиқ мослашмаган. Бу эса банкнинг қўтилмаган қарз талабларига жавоб бера олиш қобилиятини пасайтиради.

Шу билан бирга, тижорат банкларида ички назорат ва комплаенс тизимларининг заифлиги, рискларни баҳолашнинг содда ва субъектив ёндашувлар асосида амалга оширилаётгани, ахборот тизимларининг автоматлашмагани ва инсон омилига юқори боғлиқлик пруденциал талабларни бажаришда жиддий тўсиқлар яратаётган омиллардан ҳисобланади.

Марказий банк назорати жараёнида банклар томонидан ҳисоботларни тўлиқ ва ишончли тақдим этишда ҳам камчиликлар кузатилмоқда. Ҳисоботларда маълумотларни нотўғри келтириш, юқори хавфли активларни қайта таснифлаш орқали кўрсаткичларни яхшилашга уриниш ҳолатлари ҳам учрайди.

Шунингдек, банк тизимида қўлланилаётган пруденциал меъёрлар ва кўрсаткичларнинг айримлари Базель талабларига тўлиқ мос келмаслиги, уларнинг маҳаллий шароитга мослаштирилиши етарлича илмий асосланмагани туфайли, назоратнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат – бу кадрлар салоҳияти. Банкларда пруденциал назорат механизмларини тушуниш, уларни тўғри ҳисоблаш ва таҳлил қилиш бўйича етарли билим ва кўникмага эга мутахассисларнинг етишмаслиги ҳам

юқоридаги масалаларни чуқурлаштирмоқда. Шу сабабли, мавжуд муаммолар нафақат техник-меъёрий, балки институционал ва инсон капиталига боғлиқ ечимларни талаб этади. Қуйида Марказий банк тижорат банкларини пруденциал назорат қилишда қўядиган асосий талаблар жадвал кўринишида келтирилган.

Пруденциал назорат банк тизимининг барқарорлиги, молиявий хавфсизлиги ва омонатдорлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим механизм ҳисобланади. Банклар молиявий воситачи сифатида мамлакат иқтисодиётида катта роль ўйнагани учун улар фаолияти доимий назорат ва хавфларни баҳолашни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, пруденциал назорат банк фаолиятидаги капитал етарлилиги, ликвидлик, активлар сифатини назорат қилиш, ички бошқарув тизими ва бошқа муҳим кўрсаткичларни қамраб олади.

Банк тизимидаги барқарорликни таъминлаш пруденциал назоратнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, у орқали банкнинг капитал захиралари ва хавфларга нисбатан етарлилиги баҳоланади. Масалан, капитал етарлилиги коэффиценти (CAR), 1-даражали капитал (Tier 1) ва CET1 каби кўрсаткичлар банкни турли молиявий хавфлардан ҳимоя қилиш учун керакли даражада захирага эга эканлигини намоён этади. Бу кўрсаткичлар банкнинг молиявий ҳолатини баҳолашда муҳим мезон ҳисобланади.

Пруденциал назорат хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни бошқаришга қаратилган ёндашувни ҳам назарда тутати. Тижорат банклари турли хавфларга дуч келади — кредит хавфи, бозор хавфи, ликвидлик хавфи, операцион хавф ва бошқалар. Уларни баҳолашда Basel қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган халқаро стандартлар асос қилиб олинади. Айниқса, Basel III стандартлари банклар фаолиятида хавфларни тўлиқ қамраб олувчи ёндашувларни тақдим этади. Масалан, ликвидликни қамраб олувчи коэффицент (LCR) ва барқарор молиялаштириш коэффиценти (NSFR) банкнинг ликвидлик хавфини баҳолашда қўлланилади.

Пруденциал назорат, шунингдек, жамиятда банк тизимига бўлган ишончни оширишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Омонатдорлар ўз маблағларини фақат ишончли ва барқарор фаолият юритаётган банкларга топширади. Марказий банк томонидан амалга ошириладиган пруденциал назорат орқали тижорат банклари ўз фаолиятини белгиланган меъёрларга мувофиқ амалга оширади ва доимий ҳисоботлар орқали ўз ҳолатини очиклаб боради. Бу эса оммавий ишончни шакллантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Пруденциал назорат макроиқтисодий хавфларни камайтиришда ҳам фаол ишлайди. Тижорат банкларининг муваффақиятсиз фаолияти бутун молия тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, марказий банклар банклар фаолиятини тўлиқ қамраб олувчи мониторингни амалга ошириш орқали тизимли хавфларни аниқлайди ва ўз вақтида чора кўради. Бу нафақат банк тизимининг, балки миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Марказий банклар халқаро стандартларга мувофиқ равишда пруденциал назоратни юритиши орқали мамлакатнинг халқаро молия бозорларидаги нуфузини оширади. Хусусан, Базель стандартлари банк тизимида шаффофлик, хавфни баҳолаш, капитал талаблари ва стресс тестларни жорий этиш орқали

замонавий назорат тизимини шакллантиради. Ўзбекистонда ҳам Basel II ва Basel III стандартлари босқичма-босқич жорий этилиб, миллий банк тизимининг халқаро андозаларга мослашуви таъминланмоқда. Бу эса ташқи инвесторлар учун ҳам қулай молиявий муҳит яратишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, пруденциал назорат нафақат банкларнинг ички назоратини таъминлайди, балки умумий молиявий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, инвестицион муҳит ва ижтимоий ишончни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу механизм банклар фаолиятида интизомни оширади, хавфларни камайтиради ва молиявий тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Шу сабабли пруденциал назоратни мустақкамлаш миллий молия сиёсатида устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2024). 2023 йил учун молиявий барқарорлик тўғрисида ҳисобот. www.cbu.uz
2. CEIC Data. (2024). Uzbekistan: Regulatory Tier 1 Capital to Risk-weighted Assets. www.ceicdata.com
3. Basel Committee on Banking Supervision. (2011). Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems. www.bis.org
4. International Monetary Fund (IMF). (2021). Prudential Regulation and Supervision Assessment Report. Washington, D.C.: IMF Publications. <https://www.imf.org>
5. World Bank. (2021). Financial Stability and Prudential Regulation: Global Financial Development Report. Washington, D.C.: World Bank. <https://www.worldbank.org/en/publication/gfdr>
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2024). 2023 йил учун молиявий барқарорлик ҳисоботи. – Тошкент: Марказий банк нашри. <https://www.cbu.uz>
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. “Тижорат банклари фаолиятида пруденциал нормативлар тўғрисидаги низом”. 2023 йил. www.cbu.uz
8. Basel Committee on Banking Supervision. “Basel III: Finalising post-crisis reforms”. Bank for International Settlements, 2017. www.bis.org